# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 23 июнь, № 122 (6305) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## Юртимиз иқтисодий ва сармоявий имкониятлари умумжаҳон кўргазмасида тақдим этилди

*Куни кеча Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Париждаги конференциялар марказида Халқаро кўргазмалар бюроси Бош ассамблеясининг 157-сессияси бўлиб ўтди.*

**ДУНЁ НИГОҲИ**

Анжуман чоғида бюджет, ахборот ва коммуникациялар, ижроия комиссияси масалалари бўйича ҳисоботлар тинглангани баробарида, умумжаҳон кўргазмаларини рўйхатга олиш ҳуқуқи ва аъзолик бадали билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Тадбир доирасида Милан шаҳрида "Expo Milano — 2015" умумжаҳон кўргазмаси ва "Milan Trienalle — 2016" (Италия) дизайнерлик кўргазмаси, Остонада "EXPO — 2017" ихтисослаштирилган кўргазмаси (Қозоғистон), Пекинда "Пекин EXPO — 2019" ботаника кўргазмаси (Хитой) ҳамда Дубай шаҳрида бўлиб ўтадиган "EXPO — 2020" халқаро кўргазмаси (Бирлашган Араб Амирликлари) юзасидан ташкилотчи мамлакатлар ташкилий қўмиталарининг ҳисоботлари ҳам муҳокама қилинди.

Халқаро кўргазмалар бюроси Бош ассамблеясининг 157-сессияси доирасида Ўзбекистоннинг Париждаги элчихонаси томонидан мамлакатимизнинг "Expo Milano — 2015" умумжаҳон кўргазмасидаги миллий павильони тақдимоти ташкил этилди. Унда павильоннинг майдони ва бўлимлари, бошқалардан ажралиб турадиган ўзига хосликлари, шунингдек, миллий экспозициянинг бетакрорлиги, замонавий дизайни ва мазмундорлиги юзасидан хорижий экспертлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳақидаги атрофлича маълумотлар тақдимот қатнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинди.

Тадбирда таъкидланганидек, Миландаги Ўзбекистоннинг миллий павильонига ташриф буюрган меҳмонлар юртимизнинг бой маданий-тарихий мероси, мустақиллик йилларида эришилган муваффақиятлар, унинг иқтисодий ва сармоявий имкониятлари билан яқиндан танишишга муваффақ бўлишади. Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида, хусусан, маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш саноатида, уруғчилик, чорвачилик, боғдорчилик, паррандачилик ҳамда балиқчилик, шунингдек, бошқа тармоқларда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш имкониятлари ушбу умумжаҳон кўргазмасида алоҳида намойиш этилади.

Мамлакатимиз дипломатия миссияси вакиллари томонидан тақдим қилинган маълумотлар Бош ассамблея 157-сессиясининг иштирокчилари ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

**«Жаҳон» АА.**
Париж

**ҚОНУН КУЧГА КИРДИ**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатда маъқулланган "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонун яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди ва кучга кирди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат иқтисодиёт соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш жараёнидаги навбатдаги қадам бўлиб, бизнес-тузилмалар учун янги имкониятлар очади, айни чоғда қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари учун қулай шароитлар яратади.*

## Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантиришнинг мустаҳкам кафолати

Парламент қуйи палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси Адҳам ШОДМОНОВ мазкур Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Аввало, таъкидлаш лозимки, ушбу Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларида давлат бошқарувининг турли бўғинлари, фуқаролик жамияти институтларида ҳар томонлама муҳокамадан ўтказилди. Сиёсий партияларнинг фаол иштироки ҳуқуқий ҳужжат матни ва концепциясида жамиятимизда мавжуд сиёсий қарашларнинг кенг кўламини қамраб олиш имконини берди.

Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш чоғида АҚШ, Германия, Япония, Корея Республикаси ва бошқа давлатлардаги қимматли қоғозлар бозори фаолияти ҳамда уни тартибга солиш механизмлари, соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича ижобий тажриба, қонунчилик ҳужжатлари таҳлили, шунингдек, Қимматли қоғозлар комиссиялари халқаро ташкилотининг тамойиллари ва тавсиялари ўрганилди. Бундан ташқари, бугунги кунда самарали ҳамкорлик қилиб келинаётган Корея фонд биржасининг зарурий ва мақбул тавсиялари ҳам мазкур ҳуқуқий ҳужжатда инобатга олинди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда бозор ислоҳотларининг миллий модели асосида иқтисодиётни босқичма-босқич ислоҳ этилиши салмоқли ютуқларга эришишда муҳим омилга айланди. Қатор йиллар давомида макроиқтисодий барқарорлик ва жадал иқтисодий ўсиш суръатлари сақланиб тургани бунинг тасдиғидир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестициявий жараёнлар, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилаш иқтисодиёт ривожида катта роль ўйнаяпти. Бу, ўз навбатида, сармоядорларнинг фонд бозорига бўлган қизиқишини оширишга туртки бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Наманган шаҳридаги "Алп замин текстиль" масъулияти чекланган жамиятида саккиз турдаги кийим-кечак маҳсулотлари тайёрланмоқда.*

### Самарадорлик омили

Яқинда корхонада ишлаб чиқаришни модернизациялаш тадбирлари амалга оширилгач, сифат ва самарадорлик сезиларли даражада ошди. Мазкур лойиҳа рўёби учун 450 миллион сўм йўналтирилди.

— Йил бошидан буён 200 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлаб, маҳаллий истеъмолчиларга етказиб бердик, — дейди жамият раҳбари Орифжон Ҳошимов. — Ҳозирги пайтда ташқи бозорга чиқиш борасида жиддий изланишлар олиб бораяпмиз. Шу мақсадда хорижлик ҳамкорлар билан музокаралар ўтказаяпмиз.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сунъий мармар яратилди

*Қарши шаҳридаги "Азнур соф пласт" масъулияти чекланган жамияти муҳандислари томонидан сунъий мармар яратилди.*

Уни тайёрлашда 60 фоиз тош парчалари, қурилишга яроқсиз мармар бўлаклари ҳамда шиша синиқларидан фойдаланилди. Зарур кимёвий бирикмалар эса маҳсулот мустаҳкамлигини таъминлади.

Жамият мутахассисларининг таъкидлашича, янги турдаги мазкур қурилиш ашёлари турдошларидан фарқ қилмайди. Уларни ишлаб чиқариш бўйича лойиҳани амалиётга жорий этиш учун 750 миллион сўм миқдорида сармоя йўналтирилди. Эътиборлиси, сунъий мармардан нафақат биноларнинг ташқи қисмини безашда, балки ошхона мебеллари тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Косметика маҳсулотлари — экспортга

*Илгари парфюмерия воситалари мамлакатимизга фақат четдан келтириларди. Эндиликда бу турдаги маҳсулотлар маҳаллий корхоналаримизда тайёрланиши баробарида, уларнинг ички эҳтиёждан ортган қисми хорижга ҳам сотилмоқда.*

Янгийўл туманидаги "Fabienne inter group" қўшма корхонаси — ана шулардан бири. Ҳозир бу ерда юқори технологиялар асосида 30 турдаги косметика маҳсулотлари, кимёвий бирикмалар ҳамда табиий экстрактларга эга тозаловчи воситалар ишлаб чиқарилаяпти. Улар хорижда ҳам харидорини топмоқда. Корхона дастлабки 161,8 минг АҚШ долларилик маҳсулотни ташқи бозорга чиқаришга муваффақ бўлгани бунинг тасдиғидир.

— Жорий йил охиригача бу кўрсаткични икки баробар оширамиз, — дейди тадбиркор А. Одилов. — Ҳозир шу мақсадда маҳсулотлар турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш борасида изланишлар олиб бораяпмиз. Режаларимиз амалга ошгач, жамоамиз аъзолари сони 120 нафарга етади.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Бўёқлар тайёрлаш йўлга қўйилди

*Мирзаобод туманида иш бошлаган "Баҳромжон нур савдо" хусусий корхонасида лок-бўёқ ва сув эмульсиясини никель идишларга қадоқлаш жараёни замонавий технологиялар ёрдамида амалга оширилмоқда.*

Мутахассисларнинг айтишича, ана шу ҳолатда истеъмолчиларга етказиб берилаётган маҳсулотлар узоқ вақт сифатини йўқотмайди.

— Мазкур лойиҳа рўёби учун 267 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди, — дейди корхона раҳбари Муроджон Абдураҳимов. — Ҳозирги кунда автомобиль йўлларига чизиқ-белгилар тортиш ва металларга ранг беришда қўлланиладиган бўёқлар тайёрлашни ҳам ўзлаштириш ҳаракатидамиз.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий хўжалик суди судьялари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқ-тартибот органлари масъул вакиллари, олимлар, шунингдек, видеоконференц-алоқа тизими орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар хўжалик судлари судьялари ҳамда прокуратура ходимлари иштирок этди.*

## Олий хўжалик суди Пленуми мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар ким мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга экани кафолатланган. Фуқароларнинг мазкур конституциявий ҳуқуқини рўёбга чиқариш, мамлакатда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, хусусий мулк устуворлиги асосида иқтисодиётни модернизация қилиш йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини таъминламоқда. Айни соҳадаги бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф қилиш борасида тизимли ишлар давом эттирилаяпти. Бунда Президентимизнинг шу йил 15 майда қабул қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал бўлаётир.

Мазкур ҳужжатда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик судлари томонидан даъво аризасини кўриб чиқиш учун қабул қилиш ва ишни кўришни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги суд ажримини чиқариш муддати 10 кундан 5 кунгача қисқартирилиши белгиланган. Таъкидлаш жоизки, Олий хўжалик суди томонидан юқорида келтирилган Фармон ижроси юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқилди ва манфаатдор вазирлик ҳамда идораларга тақдим этилди.

(Давоми 2-бетда).

## «ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ – МАРРА БИЗНИКИ!»

Пойтахтимизда ана шу шиор остида "Талабалар фестивали" бўлиб ўтмоқда.



### ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида замонавий билимларни пухта эгаллаган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган.

Ёшларимизнинг айни пайтда муайян мутахассисликка эга бўлиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун ҳам кенг қамровли эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада мақсадли давлат дастурлари рўёбга чиқарилаётир. Пировардида янгича дунёқарашга, қатъий ишонч ва эътиқодли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимизнинг янада равнақ топиши учун муносиб ҳисса қўшишга интилаётган янги авлод мутахассислари жамиятга дадил кириб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу йўналишдаги ишларни ҳар томонлама ривожлантириш ва рағбатлантиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти.

(Давоми 4-бетда).

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда бўлиб ўтаётган "Эртанги кун бизники — марра бизники!" шиори остидаги "Талабалар фестивали" ҳам баркамол авлодни қўллаб-қувватлаш мақсадида уюштирилган хайрли чора-тадбирларнинг биридир.

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Шу йилнинг январь — март ойлари давомида мамлакатимизда**

**150 километрдан ортиқ оптик толали тармоқлар бунёд этилиб, захирага олинди.**

2013 — 2020 йилларда телекоммуникация технологиялари, алоқа тармоқлари ва инфратузилмаларини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилган бу тадбирлар ишлаб чиқариш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, алоқа хизматлари кўрсатиш тезлиги ва сифатини янада ошириш имконини берди.

## Банкларнинг молиявий барқарорлигига эришилмоқда

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан "Standard & Poor's" халқаро рейтинг агентлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон тижорат банкларига халқаро рейтинг тақдим қилиниши ва қайта тасдиқланиши масалаларига бағишланган навбатдаги конференция ташкил этилди.*

**АНЖУМАН**

Президентимизнинг 2015 йил 6 майдаги "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш доирасида ўтказилган мазкур тадбирда республика Марказий банки ва тижорат банкларининг раҳбарлари, кредит ташкилотларини аудитдан ўтказувчи халқаро ҳамда маҳаллий аудиторлик компанияларининг масъул ходимлари қатнашди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда юритилаётган самарали иқтисодий сиёсат молия-банк тизимининг барқарор ривожланишига мустаҳкам пойдевор яратмоқда. Натижада унинг иқтисодиёт тармоқлари равнақидаги мавқеи ошиб, реал сектор корхоналарини кредитлаш имкониятларини тобора кенгайтираяпти.

— Ўзбекистон банк тизимининг капиталлашиш даражаси ва ликвидлилигини ошириш, Базель-III талабларини жорий этишга қаратилган ташаббусларини ижобий баҳолаймиз, — дейди агентликнинг Молиявий институтлар директори ўринбосари Анастасия Турдиева. — Президент Ислом Каримов томонидан яқинда имзоланган қарорда айни шу мақсаддаги устувор вазифалар белгилаб берилганидан хабардормиз. Юртингизда олиб борилаётган бундай тизимли ислоҳотлар банкларнинг капиталлашув даражаси ошиб боришида муҳим омил бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, агентлигимиз томонидан ижобий баҳолаб келинмоқда. Бинобарин, банк тизимининг барқарор ресурс базаси ва тегишли банк назорати иқтисодий ўсиш жараёнида ижобий омиллардан бири ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

# Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантиришнинг мустаҳкам кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Пировардида республикамиз қимматли қоғозлар бозорида сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй берди. Нафақат сон, балки сифат жиҳатидан самарадорликка эришилди. Айланма маблағларнинг ўсиши, умумий савдода биржа сегменти ҳиссасининг доимий кенгайиб бораётгани, фонд бозоридаги барча инфратузилмаларнинг равнақ топиши, қонунчилик базаси такомиллаштирилиши ана шулар жумласидандир.

Қимматли қоғозлар бозоридаги муносабатлар Фуқаролик кодекси, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун, Президентимиз ва ҳукуматимиз қарорлари ҳамда бошқа ҳужжатлар билан тартибга солинади. Шубҳасиз, соҳадаги асосий қонунчилик ҳужжати 2008 йилги таҳрирдаги "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонун ҳисобланарди.

Жабҳадаги ҳолатнинг умумий хусусиятлари, таҳлили ва баҳоси ушбу қонунчилик ҳужжатини замон талабларига мувофиқ тубдан қайта кўриб чиқиш, унга жиддий ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этди. Бинобарин, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда ишлаб чиқилиб, унда қўлланилган тушунча ва атамалар доираси, уларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти сезиларли даражада кенгайтирилди.

Мазкур Қонуннинг мақсади қимматли қоғозлар эмиссияси билан боғлиқ тартиб-таомилларни янги молиявий воситаларни қамраб олган ҳолда соддалаштириш, қимматли қоғозларга доир битимлар тузишда замонавий электрон технологияларни жорий этиш, қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият талабларини қайта кўриб чиқиш, жумладан, қимматли қоғозлар бозорига оид қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни аниқлаштиришдан иборат.

Қонунда савдо ташкилотчилари фаолиятига тегишли ҳуқуқий янгиликлар муҳим ўрин эгаллайди. Унга кўра, инвестиция воситачиси томонидан инвесторга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш кафолат фондини шакллантириш йўли билан кафолатланади. Бу инвестиция воситачилари (брокерлар) айби билан юз бериши мумкин бўлган зарарлардан сармоядорларни муҳофаза қилади, биржанинг асосий принципларидан бири — битимларни амалга ошириш ҳамда уларнинг ҳимояланганлиги кафолатини таъминлайди.

Янги таҳрирдаги ҳуқуқий ҳужжатда депозитарий ва ҳисоб-китоб-клиринг палатаси фаолияти қимматли қоғозлар бозорида профессионал иш юритишнинг лицензияланадиган мустақил кўриниши сифатида тугатилмоқда. Депозитарийнинг вазифалари инвестиция воситачилари, ҳисоб-китоб ва клиринг вазифалари эса мос равишда банк ва қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларига ўтказилаяпти. Ўз навбатида, замонавий халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда, фонд бозоридаги пул маблағлари бўйича ягона ҳисоб-китоб муассасаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки белгилаб қўйилди.

Инфратузилма облигациялари Қонундаги яна бир янгиликдир. Унда ишлаб чиқариш ва бошқа инфратузилмани барпо этиш ва реконструкция қилишни молиялаштириш учун пул маблағларини жалб этиш мақсадида хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналари томонидан махсус облигациялар чиқарилиши назарда тутилади. Бу эса қўшимча хорижий инвестициялар кириб келишининг яна бир муҳим омилидир.

Шундай қилиб, қимматли қоғозлар бозорида барча иштирокчиларга ишлаш учун тенг ва очиқ шароитларнинг тақдим этилиши унинг шаффофлигини таъминлайди ҳамда нафақат маҳаллий, балки чет эллик инвесторлар томонидан сармоялар жалб этилишини рағбатлантиради. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг фонд бозори рейтингини сезиларли даражада оширади.

Бундан ташқари, янги Қонунда ҳийла-найранг ишлатиш ва инсайдер ахборотдан фойдаланиш тушунчаси очиб берилди. Бундан буён била туриб ёлғон маълумотларни қасддан тарқатиш, тарафларнинг мажбуриятлари бир шахс ҳисобидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб бажариладиган қимматли қоғозларга доир битимлар тузиш, шунингдек, қимматли қоғознинг нархи хусусида чалғитиш мақсадида бошқа ҳаракат содир этиш ва буларнинг натижасида қимматли қоғозлар нархининг, уларга бўлган талабнинг, таклифнинг ёки қимматли қоғозлар савдоси ҳажмининг бундай ҳаракатларсиз шаклланадиган даражадан ўзгариши ёки бундай ҳаракатларсиз шаклланадиган даражадан фарқ қиладиган даражада ушлаб турилиши қимматли қоғозлар бозорида ҳийла-найранг ишлатиш жумласига киради ҳамда бунинг учун тегишли жавобгарлик белгиланади.

Қайд этиш керакки, мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга кириши билан фонд биржасида расмий дилерлар — қимматли қоғозларга бўлган талаб ва таклиф даражасини ушлаб турадиган маркет-мейкерлар институтини ривожлантириш имконияти пайдо бўлди. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши инвесторлар, айниқса, миноритарийларда ишончни оширади. Чунки агар бундай шахслар ўзлари олган қимматли қоғозларни келажакда сотиш истагини билдирсалар, маркет-мейкер уларни бозор қийматида харид қилади.

**Саиджон МАХСУМОВ**
**ёзиб олди.**

"Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳриридаги барча ўзгаришлар, шубҳасиз, энг илғор дунё тажрибаси, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга жорий этиш йўли билан фонд бозорини модернизация қилишни тезлаштиришга қўшимча туртки беради.



# Сайёҳликнинг истиқболли йўналиши

*Ресторан ва меҳмонхона бизнеси иқтисодиётнинг энг истиқболли тармоқларидан бири ҳисобланади. У тараққий этган жойда сайёҳлик салоҳияти ҳам ошиб бораверади.*

ДАВРА СУҲБАТИ

Зотан, замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари, миллий ва жаҳон ошхонасини ўзида жамлаган ресторанлар, юксак сифатли хизмат кўрсатиш — буларнинг барчаси сайёҳлар оқими кўпайишида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис юртимизда бизнеснинг мазкур турини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, истиқлолгача юртимизда бирорта ҳам беш юлдузли меҳмонхона бўлмаган бўлса, бугунги кунда биргина Тошкент шаҳрида халқаро стандартлар асосидаги мувофиқлик сертификатига эга қирқдан зиёд меҳмонхоналар фаолият кўрсатаяпти. Уларнинг аксарияти тўрт ва беш юлдузли эканлиги эътиборга моликдир.



Шу билан бирга, республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам хорижий меҳмонлар ва делегацияларни қабул қилиш, уларга бугунги кун талаблари асосида хизмат кўрсата оладиган ўнлаб меҳмонхоналар қад ростлади, мавжудлари эса замонавий ва миллий меъморлик анъаналари асосида реконструкция қилинди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида бўлиб ўтган давра суҳбатида ана шулар ҳақида сўз юритилди.

Таъкидландики, жорий йилда палата қошида Ресторан ва меҳмонхона бизнесини ривожлантириш қўмитаси ташкил этилгани соҳадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Айни пайтда мазкур қўмита томонидан тадбиркорларни меҳмонхона ва умумий овқатланиш соҳасига кенгроқ жалб қилиш, ишбилармонларни информацион жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.



Аслида, Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий обидалари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олган. Мамлакатимизда етти мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик обидалари мавжуд бўлиб, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Бу эса сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини янада ривожлантиришни тақозо этади.



Давра суҳбати иштирокчилари масаланинг ушбу жиҳатларига алоҳида тўхталиб, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш, ходимларнинг билим ва кўникмаларини мунтазам равишда ошириб бориш, илғор тажрибаларни кенг ўрганиш, халқаро алоқаларни ривожлантириш бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

**С. ИБОДУЛЛАЕВ.**

ЯНГИЛИК

*Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Марказий банк билан ҳамкорликда солиқ тўловчиларга янада енгиллик яратишга қаратилган янги лойиҳани ишга тушириш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.*

# Солиқ тўловчиларга қулайлик

Унга кўра, солиқ тўловчи юридик шахслар тез кунларда ўзларининг интернетдаги "Шахсий кабинет"лари орқали солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни онлайн шаклда тўлаш имкониятига эга бўлади.

Илғор хорижий мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда ишлаб чиқилган ушбу лойиҳа солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни банк муассасаларига бормасдан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида масофадан туриб тўлаш имкониятини беради.

Тизимнинг афзаллиги шундаки, солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботларини тайёрлаб, электрон шаклда жўнатганидан сўнг, ҳосил бўлган солиқ мажбурияти суммасини тўлашга ихтиёрий розилик бериши билан тўлов топшириқномаси автоматик равишда шаклланиб, солиқ тўловчининг хизмат қилувчи тижорат банкидаги ҳисоб рақамига ҳимояланган алоқа каналлари орқали етказилади.

Агар ҳисоб рақамда пул маблағлари етарли бўлса, шу заҳотиёқ тўлов амалга оширилиб, солиқ тўловчининг шахсий карточкасига қайд этилади ёки тўлов топшириқномаси 2-сонли картотекага олиниб, бу ҳақда тадбиркорлик субъектига электрон хабарнома юборилади.

Ушбу тизимдан солиқлар бўйича жорий тўловларни тўлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Яна бир муҳим томони, мазкур тизим ишга туширилиши билан ҳозирги кунда Солиқ кодексининг 59-моддаси талаби бузилиши натижасида хўжалик субъектлари мансабдор шахсларининг маъмурий жавобгарликлари кўриб чиқилишига сабаб бўлаётган ҳолатларнинг ҳам олди олинади.

Жорий йилнинг июль ойида тўлиқ ишга туширилиши режалаштирилган мазкур тизим ҳозирги вақтда тест-синовларидан ўтказилмоқда.

Ушбу хизматдан фойдаланиш бепул ва 24 соат узлуксиз ишлайди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Давлат солиқ қўмитаси**
**Ахборот хизмати.**

# Ижтимоий лойиҳалар

## хотин-қизлар тадбиркорлигини кенгайтиришда муҳим ўрин тутаяпти

*Мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришда жамоат, нодавлат нотижорат ҳамда халқаро ташкилотларнинг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалари ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда.*

ТАДБИР

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Европа Иттифоқининг дастури доирасида қатор халқаро ташкилотлар билан бирга амалга оширилаётган оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтиришга доир лойиҳаси ана шулардан биридир.

Пойтахтимизда мазкур лойиҳа якунига етгани муносабати билан халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат ҳамда халқаро ташкилотлар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, юртимизда хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлашга зарур шарт-шароит яратилган. Бу борада қабул қилинган бир қатор қонунлар, муҳим давлат дастурлари опа-сингилларимизнинг жамиятда, оилада муносиб ўрин эгаллашларига, иқтидорларини рўёбга чиқаришга, бизнесга оид кўникмаларини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда иқтисодиётнинг турли тармоқларида банд бўлганларнинг 48 фоизини аёллар ташкил этаётгани, минглаб хотин-қизлар тадбиркорлик фаолиятини изчил йўлга қўйгани бунинг амалий ифодасидир.

— Оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтиришга доир лойиҳа Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги 5 та маҳаллада татбиқ этилди, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси Г. Асқарова. — Унинг доирасида аёлларга тадбиркорлик асослари бўйича ўқув машғулотлар ўтказилди, бизнес-режа тузиш ва микрокредитлаш жараёнида амалий кўмак ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда маслаҳатлар берилди. Бунда 645 нафар хотин-қиз тадбиркорлик бўйича билимларини оширди, 125 нафарига бизнес билан шуғулланишлари учун амалий ёрдам кўрсатилди. Эътиборли томони, давлат идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлиги лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишида муҳим омил бўлди.

— Ушбу лойиҳанинг оиламиз фаровонлигини таъминлаш, даромад имкониятларимизни кенгайтиришдаги аҳамияти каттадир, — дейди сирдарёлик ёш тадбиркор З. Эргашева. — Унинг доирасида маҳалламизда ташкил этилган "Ахборот ойна"лари орқали тадбиркорлик асослари ва бизнесни режалаштириш бўйича ўқув машғулотларида қатнашдик. Соҳа мутахассисларидан зарур маслаҳатлар олдик, билим ва кўникмага эга бўлиб, ўз бизнес-режамизни туздик. Ташаббусимиз ҳудудимиздаги тижорат банки томонидан қўллаб-қувватланди. Айни чоғда иссиқхона ташкил этиб, сабзавот маҳсулотлари етиштираяпмиз. Мавжуд шарт-шароитлардан оқилона фойдаланганимиз натижасида оилам фаровон, орзуларимиз эса амалга ошмоқда.

Анжуманда аёллар, хусусан, касб-ҳунар коллежларини битираётган қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш борасида халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, биргаликда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Олий хўжалик суди Пленуми мажлиси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Пленум мажлисида "Хўжалик судлари томонидан фуқаролик қонун ҳужжатларининг даъво муддатига оид нормаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарор лойиҳаси кўриб чиқилди. Унда фуқаролик қонун ҳужжатларининг даъво муддатини қўллашга оид нормалари тўғри қўлланилишини таъминлаш, бу борада ягона суд амалиётини жорий этиш юзасидан хўжалик судларига аниқ тушунтиришлар берилган.

Шунингдек, мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг процессуал муддатларга оид нормаларини хўжалик судлари томонидан қўлланилишининг айрим масалалари ҳақида"ги қарор лойиҳаси муҳокама қилинди.

— Мазкур қарор лойиҳаси ишда иштирок этувчи шахслар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг ўз процессуал ҳуқуқларидан самарали фойдаланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, даъво аризалари, илтимосномалар, апелляция ва кассация шикоятлари билан судларга ахборот тизими орқали электрон шаклда мурожаат қилишда ва ишларни судларда кўриш пайтида уларга қулайлик ва енгиллик яратиш мақсадида ишлаб чиқилган, — дейди Олий хўжалик суди судьяси Иброҳим Алимов. — Пленум қарорида хўжалик судларининг процессуал муддатларни белгилаш ва ҳисоблаш, муддатларни тўхтатиб туриш, тиклаш ва узайтиришда қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш, суд ҳужжатларини ўз вақтида ишда иштирок этувчи шахсларга юбориш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масала ҳам ўрганилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Банкларнинг молиявий барқарорлигига эришилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

МДҲга аъзо айрим мамлакатлар рейтингининг ёмонлашуви кузатилаётган ҳозирги мураккаб бир шароитда Ўзбекистон банк тизимининг иқтисодий таваккалчиликларга таъсирчанлиги "барқарор" деб баҳоланмоқда. Чунки соҳанинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар кўрилаётгани туфайли банкларнинг жами капитали сўнгги беш йилда 2 мартадан ошиқроқ, ўтган йилнинг ўзида эса 25 фоиз ўсди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси эса халқаро стандартлардан 3 баравар кўпдир. Бу Марказий банк томонидан банк назорати Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва банк назорати бўйича Базель қўмитасининг тавсияларига мувофиқ, илғор халқаро тажрибалар асосида узлуксиз ва ўз вақтида такомиллаштириб борилаётгани самарасидир.

Анжуман давомида "Standard & Poor's" агентлиги экспертлари томонидан рейтинг тақдим этиш мезонлари таҳлили, ўз кредит лаёқатлилигини баҳолаш, шунингдек, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг Базель III стандартларини жорий қилиш тажрибаси тавсиялари ва уларнинг банклар рейтингига таъсири масалалари бўйича тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

МОДЕРНИЗАЦИЯ

*Термиз туманидаги кўп тармоқли "Умаржон" корхонасида қурилиш материалларидан тортиб, нон ва қандолат маҳсулотларигача тайёрлаш йўлга қўйилган.*

# Маҳаллий муҳандислар изланишда

Яқинда кичик бизнес субъекти қошида қум ҳамда пластмасса қолдиқларидан томёпқичлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

— Янги тармоқ учун зарур дастгоҳ ва ускуналар маҳаллий муҳандисларимиз томонидан яратилди, — дейди тадбиркор Комилжон Сиддиқов. — Банк сармояси ҳамда ўз маблағимиз ҳисобидан металл буюмлар тайёрлаш линиясини ҳам ишга туширдик. Ҳозир тажрибали усталаримиз томонидан намунали лойиҳалар асосидаги тураржойлар қурилиши учун темир дарвоза ва турли дизайндаги панжаралар тайёрланмоқда.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қисқа сатрларда

● Навоийда Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳиятини ўрганиш ва тарғиб этишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

**● Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида "Олий таълим тизимида раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг янги босқичи" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.**

● Қашқадарёда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда фуқароларнинг мурожаатлари, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**● Андижон вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт марказида махсус мактаб-интернатларда ҳамда якка тартибда таълим олган имконияти чекланган болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий текширувларда ЭКГ, УЗИ, рақамли рентген аппарати ва бошқа замонавий жиҳозлардан фойдаланилгани кўрикнинг пухта ва самарали ўтишида муҳим аҳамият касб этди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.



Қарши шаҳрида Аёллар маслаҳат маркази иш бошлади. Бу ерда уй бекалари иштирокида турли семинарлар, ўқув машғулотлари ва тренинглар уюштириш кўзда тутилган.

## БИЗ ВА ЖАҲОН

# «Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги» мавзуига бағишланди

*Венадаги Гиёҳвандлик моддалари устидан назорат бўйича халқаро қўмита Котибиятида Ўзбекистондаги "Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги" мавзуига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. У республикамизнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Австрия пойтахтида жойлашган бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги Доимий ваколатхонаси томонидан ташкил этилди.*

Тадбир чоғида унинг иштирокчилари гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишини бартараф этиш юзасидан мамлакатимизда кўрилаётган чора-тадбирлар билан яқиндан танишдилар.

Хусусан, бундай тадбирлар анъанавий тарзда Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунига бағишланиб, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ муаммоларга жамият эътиборини қаратиш, аҳоли орасида гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақидаги билимларни ошириш, соғлом турмуш тарзини татбиқ этиш орқали ёш авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётгани таъкидланди. Мамлакатимизда гиёҳвандлик профилактикаси, Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идораларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш ва бу соҳада республикамизнинг хорижлик шериклар билан халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришга оид маълумотлар брифинг қатнашчилари эътиборига ҳавола қилинди.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан жорий йилнинг июнь ойи "Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги" деб эълон қилингани ҳам мамлакатимизнинг гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишини бартараф этишга содиқ эканлигидан далолат бериши алоҳида таъкидланди.

Гиёҳвандлик моддалари устидан назорат бўйича халқаро қўмитанинг ижрочи котиби Андрес Фингерут ушбу трансмиллий хавф-хатар билан курашиш юзасидан Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатларига юқори баҳо бериб, бу йўналишдаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканлигини билдирди.

**«Жаҳон» АА.**
Вена

XALQ BANKI

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, энг аввало, инсон ва унинг манфаатларига қаратилган. Бунинг самараси ўлароқ, барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланаётган истиқлол йилларида аҳолининг турмуш шароити тубдан яхшиланиб, ҳаёт даражаси юксалиб бораяпти. Юртдошларимиз давлат пенсиясидан ташқари, жамғариб бориладиган пенсия таъминотидан ҳам баҳраманд бўлаётгани эса кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эъзознинг яна бир амалий ифодасидир.*

# ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ

## аҳоли фаровонлиги йўлидаги ислоҳотларнинг ёрқин ифодасидир

Маълумки, 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, 2005 йил 1 январдан жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими амалиётга жорий этилган. Бунинг замирида фуқароларнинг пенсия ёшига етганда фаровон яшаши учун қўшимча қулайликлар яратишдек эзгу мақсад мужассам. Зеро, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти, бу — фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялашдир. Бунда одамларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига мажбурий ҳар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатлари асосида ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда, ходимнинг солиққа тортиладиган иш ҳақи (даромади)нинг бир фоизи миқдорида амалга оширилади. Ушбу тизимга мажбурий ва ихтиёрий тарзда аъзо бўлиш имконияти мавжуд.

Гап шундаки, иш берувчиларнинг, шунингдек, фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши мажбурий ҳисобланади. Яъни иш ҳақидан даромад солиғи тўловчи ҳар бир фуқарога шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи мажбурий тарзда очилиб, унга тегишли маблағ ўтказиб борилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек, бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар. Улар ўзлари яшаб турган ҳудуддаги Халқ банки филиалига мурожаат қилиб, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очтирган ҳолда, қулай вақтда унга чекланмаган миқдордаги бадалларни қўйишлари мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими иштирокчиси мажбурий бадалларидан ташқари, иш ҳақидан қўшимча равишда ихтиёрий тарзда маблағ ўтказиш имкониятига ҳам эга. Бундай маблағлар ўша солиқ ҳисобот йили давомида қайта чиқим қилиб олинмаса, даромад солиғига тортилмаслиги диққатга сазовордир.

"Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасида жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг миқдори ходимларнинг, шу жумладан, ишлаётган пенсионерларнинг иш ҳақи ва бошқа даромади суммаси асосида ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш вақтида белгиланиши кўрсатиб ўтилган. Ҳозирги кунда жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг миқдори фуқароларнинг даромад солиғига тортиладиган ойлик даромадларининг бир фоизини ташкил этади. Эътиборлиси, у иш ҳақи ҳисобидан эмас, балки даромад солиғи ҳисобидан ўтказиладики, натижада ишчи-ходимлар оладиган иш ҳақи камаймайди, аксинча, давлат унинг номига қўшимча маблағни йиғиб боради.

Истиқлол йилларида республикамиз аҳолиси, айниқса, нуроний кишиларга муносиб турмуш шароитлари яратиб берилмоқда. Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларига пул қадрсизланишига нисбатан юқорироқ ставкалар бўйича ҳар йили фоизлар қўшиб берилаётгани бунга мисол бўла олади. Шу ўринда айтиш жоизки, йиллик фоиз ставкасининг миқдори Халқ банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Марказий банки билан келишилган ҳолда белгиланади.

Жамғариб бориладиган пенсия бадалларини чиқим қилиш учун уни олувчининг яшаш жойидаги туман ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлими томонидан бериладиган гувоҳнома асос бўлади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, ушбу тизим иштирокчиларига жамғариб бориладиган пенсия тўловлари улар давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлганда, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарига доимий яшаш учун чиқиб кетаётганда бирйўла тўла ҳажмда тўланади. Фуқаро вафот этган тақдирда эса маблағлар меросхўрга берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сонли қарори билан тасдиқланган "Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 9-бандида "Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари миқдори жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказилган маблағлар суммасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг энг кам ёки энг кўп миқдорини белгилаш назарда тутилмайди" деб кўрсатиб ўтилган. Яъни фуқаро жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқини қўлга киритгандан сўнг ўзининг шахсий пенсия ҳисобварағида қанча маблағ йиғилган бўлса, ўшани бирйўла тўла ҳажмда ёки ўзи исталган қисмларда, бўлиб-бўлиб банкдан олиш имкониятига эгадир.

Қисқаси, жамғариб бориладиган пенсия тизими аҳолининг кексалик чоғида янада фаровон яшаши учун келажакка қўйиладиган сармоя ҳисобланади. Бунга қуйидаги мисол орқали ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Агар 25 ёшли тизим иштирокчиси ҳозирги кунда 1 миллион сўм ойлик иш ҳақи олса ва иш ҳақи миқдори ҳар йили ўртача 5 фоиз ошса, шунингдек, банк томонидан унинг маблағларига йиллик 6,5 фоиз миқдорида даромад қўшиб берилса, у ҳолда ўша фуқаронинг шахсий пенсия ҳисобварағида 5 йилдан сўнг тахминан 800 минг сўм, 10 йилдан сўнг 2 миллион сўм, 20 йилдан сўнг 7 миллион сўм, 35 йилдан сўнг ёки пенсия ёшига етганда (60 ёш) 30 миллион сўм маблағ йиғилар экан. Бу эса давлат бюджети ҳисобидан бериладиган ойлик пенсияга қўшимча маблағ эканлигини эсдан чиқармаслик лозим.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, нафақа ёшига етган юртдошларимизга жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида йиғилган маблағларини уларнинг биринчи талаби бўйича тўлаб берилиши қаттиқ назоратга олинган.

Мухтасар айтганда, бундан кўзланган мақсад юртимиз аҳолисининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришдан иборат бўлиб, Халқ банки жамоаси буни ҳисобга олган ҳолда, ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлари кўламини янада кенгайтириб бораверади.

**Халқ банки матбуот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

РЕКЛАМА ЎРНИДА

## БУНЁДКОРЛИК

*Бугун бинолар ташқи кўринишига сайқал беришда янги турдаги пардозлаш воситаларидан фойдаланилмоқда.*



# Декоратив панеллар

Урганч шаҳридаги "Хоразм Декор Арт" масъулияти чекланган жамияти ана шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ташкил этилди. Ҳозир бу ерда декоратив панеллар ишлаб чиқарилаяпти.

Яна бир эътиборли жиҳати, бундай маҳсулотлар бино ва тураржойларга кўрк бағишлаши билан бирга, хоналарни иссиқ ва совуқдан сақлайди. Қолаверса, корхона жамоаси ўз маҳсулотларига 15 йилгача кафолат бермоқда.

Айни пайтда жамиятда модернизациялаш ишлари олиб борилаётир. У ниҳоясига етгач, бу ерда 22 та қўшимча иш ўрни яратилади. Табиийки, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР


## «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

**«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 11 июндаги 115(6298)-сонида чоп этилган хабарномада аукцион савдосига қўйилган Ангор тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 12 ноябрдаги 19-1303/10197-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ангор тумани, Фаровон маҳалласи, «Omad-texnolog» ММТП МЧЖга тегишли бўлган техникаларни сақлаш жойида сақланаётган қуйидаги техника ва автотранспорт воситалари аукцион савдоси Ангор тумани СИБ томонидан тақдим этилган 2015 йил 30 майдаги 6819-сонли хатига асосан тўхтатилганлигини маълум қиламиз:**

- «ТТЗ 80.11» русумли трактор, давлат рақами 2892 ЕО.

***Бошланғич баҳоси — 13 860 000 сўм.***

- «Т28Х4М-А» русумли трактор, давлат рақами СМ 4720.

***Бошланғич баҳоси — 3 136 000 сўм.***

- «Т-4-А» русумли трактор, давлат рақамисиз.

***Бошланғич баҳоси — 9 240 000 сўм.***

- Тиркама, давлат рақами ЕШ 2467.

***Бошланғич баҳоси — 2 450 000 сўм.***

- «ГБА СПГ Nexia DOHC» русумли автомашина, давлат рақами 75 336 FAA.

***Бошланғич баҳоси — 12 110 000 сўм.***

«Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади!

**2015 йил 8 июль куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

*Денов тумани СИБ томонидан ФИБ Денов туманлараро судининг 2015 йил 29 январдаги 1-491-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани, Шароф Рашидов кўчасида сақланаётган:*

- 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ ISUZU SAZ NP21» русумли, давлат рақами 75 115 НАА.

***Бошланғич баҳоси — 73 000 000 сўм.***

- 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «ISUZU SAZ NP21» русумли, давлат рақами 75 116 НАА.

***Бошланғич баҳоси — 73 000 000 сўм.***

- 2013 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ ISUZU SAZ NP21» русумли, давлат рақами 75 117 НАА.

***Бошланғич баҳоси — 73 000 000 сўм.***

- 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ ISUZU SAZ NP21» русумли, давлат рақами 75 119 НАА.

***Бошланғич баҳоси — 73 000 000 сўм.***

- 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ ISUZU SAZ NP21» русумли, давлат рақами 75 144 НАА.

***Бошланғич баҳоси — 73 000 000 сўм.***

- 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ ISUZU SAZ NP21» русумли, давлат рақами 75 145 НАА.

***Бошланғич баҳоси — 73 000 000 сўм.***

**Жаркўрғон тумани СИБ томонидан хатланган:**

- ЖИБ Музработ тумани судининг 2014 йил 17 сентябрдаги 1-206-сонли ижро варақасига асосан, Жаркўрғон тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-21-03» русумли, давлат рақами 75 G 47 32.

***Бошланғич баҳоси — 2 791 418 сўм.***

- ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2013 йил 17 декабрдаги 1-394-сонли ижро варақасига асосан, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia DOHC GLBO» русумли, давлат рақами 75 O 374 СА.

***Бошланғич баҳоси — 24 131 520 сўм.***

- ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2013 йил 22 ноябрдаги 1-351-сонли ижро варақасига асосан, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, «М-412» русумли, давлат рақами 75 A 146 ЕА.

***Бошланғич баҳоси — 692 550 сўм.***

- ЖИБ Жаркўрғон тумани судининг 2013 йил 19 апрелдаги 1-59-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗИЛ-138 А» русумли, давлат рақами 19 D 0305.

***Бошланғич баҳоси — 9 661 072 сўм.***

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2015 йил 8 июлдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 23 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 8 июлдаги аукцион савдосига 2015 йил 6 июль куни соат 16.00 да ва 2015 йил 23 июлдаги аукцион савдосига 2015 йил 21 июль куни соат 18.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:**
**Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси.**
**Мурожаат учун телефон: (+99876) 223-25-55.**

**Гувоҳнома № 004059.**

908А/33



## БИЛДИРИШ

**«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 13 июндаги 117-сонида чоп этилган эълонга қуйидаги ўзгартиришлар киритилмоқда:**

— 2015 йил 14 июль ва 2015 йил 1 июль кунги аукцион савдолари санаси «2015 йил 21 июль ва 2015 йил 7 июль», деб ўқилсин.

— аукцион савдосида қатнашиш учун тўланадиган закалат пули «кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 40 фоизи миқдоридан кам бўлмаган», деб ўқилсин.

***«Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.***

903А/34



## «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2013 йил 21 августдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ойбек кўчасида жойлашган, умумий майдони 1,84 гектар (бино ва иншоотлар 0001-литердан 0003-литергача, 0004-литердан 0069-литергача қурилиши тугалланмаган ҳовуз ва иншоотлар)дан иборат болалар спорт-соғломлаштириш мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 468 266 060 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий 2-берк кўчаси, 59-уйда жойлашган, ер участкасининг майдони 19992 кв.м. бўлган (0001-литердан 0013-литергача бўлган бино-иншоотлар, шундан 0003, 0007, 0009, 0011, 0012, 0013-литердан иборат қурилмалар ҳужжатсиз) нотураржой биноси.

***Бошланғич баҳоси — 2 249 934 329 сўм.***

**3.** 2013 йил 9 декабрдаги 20340/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Тахтапул кўчаси, 8-уйда жойлашган, ер майдони 600,0 кв.м., қурилиш ости майдони 359,44 кв.м., фойдаланиш майдони 159,89 кв.м., тураржой майдони 126,12 кв.м. бўлган 7 та хонадон иборат уй-жой (ҳовли).

***Бошланғич баҳоси — 251 619 646 сўм.***

**4.** 2013 йил 23 августдаги 2-88-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Чилонзор Оқтепа (собиқ Есенин) кўчаси, 15-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 57,73 кв.м., тураржой майдони 41,23 кв.м.ли 3 та хонадан иборат бўлган 6-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 127 300 000 сўм.***

Аукцион савдолари 2015 йил 7 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.**
**Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

901А/6

Хизматлар лицензияланган.



## «Universal realtor» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 2014 йил 24 мартдаги 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Навоий кўчаси, Марказ-4, 11-«Б» уйда жойлашган, 9 қаватли, ертўлали, кўп тармоқли бинонинг 1-2-қавати ва 2 қаватли ертўла қисми қўйилмоқда.

Ер участкасининг умумий майдони — 3 176 кв.м., бинонинг умумий майдони — 10 681 кв.м.

***Бошланғич баҳоси — 17 210 561 247 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 23 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2015 йил 22 июль куни соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Қўшимча маълумот олиш манзили:**
**«Universal realtor» МЧЖ, 100047,**
**Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй.**
**Телефон: (0-371) 150-35-55.**
**www.realtor.uz E-mail:universal.realtor@mail.ru**

906А/19

Хизматлар лицензияланган.


Тошкент давлат техника университети жамоаси Нефть-газ конлари геологияси ва геофизикаси кафедраси мудири, профессор
**Асрор Аббосович АБИДОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02




Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги "Камолот" ёшлар оромгоҳида "Ёш журналистлар медиа-тренинги" бўлиб ўтди.

## ТАНЛОВ

*Қарши шаҳрида “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номидаги вилоят мусиқали драма театрида ўтказилган мазкур тадбирда унинг туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган ўттиз нафардан ортиқ истеъдод соҳиблари иштирок этди.*

# «Ягонасан, муқаддас Ватан!»

2009 йилдан буён анъанавий равишда ўтказиб келинаётган ушбу танлов ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, она-юртни мадҳ этувчи юксак бадиий қўшиқлар яратилишини рағбатлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Тадбир давомида ижро қилинган қўшиқларда Ватан туйғуси, тинчлик-осойишталик, бугунги фаровон кунларимиз тараннум этилди. Иштирокчилар чиқишини баҳолашда мусиқа оҳанги, матн мазмуни ва ижро маҳоратига алоҳида эътибор қаратилди.

Танлов якунида Чироқчи тумани маънавият тарғибот маркази бўлими бошлиғи, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Зарнигор Аҳмедова биринчи ўринга сазовор бўлди. Китоблик хонанда Низомиддин Қўчқоров ва Қарши санъат коллежи ўқувчиси Маржона Саломова кейинги ўринларга лойиқ, деб топилди. Энди улар танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.

**М. АҲАДОВ.**

## ЭЗГУЛИК

*Сурайё Мустафоева — Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси. Билимли, тиришқоқ, қизиқувчан. Орзулари кўп.*

# Меҳр ва бахт манзараси

— Эртаклар ўқишни яхши кўраман, — дейди у. — Мактабдаги дарслардан кейин тикувчилик тўгараги машғулотларига қатнашаман. Яқинда матога лолақизғалдоқнинг суратини тушириб, қўлда тикдим. Кўпчиликка ёқди. “Камалак” жилоси” республика тадбири иштирокчилари ҳам томоша қилиб завқланишди. Бундан жуда қувондим. Рақкосаликка ҳам қизиқаман.

— Сурайё, 8-мактабда ўқир экансизлар, синфдошларингиз билан иноқмисизлар? — дея сўраймиз қизалоқдан.

— Ҳа, — дея бийрон жавоб беради у. — Агар синфдошларимдан бирортасининг тоби қочиб қолса, уни кўргани уйига борамиз. Синфдошларимни ҳам таклиф қилсам, уйимизга келишади.

Сурайё “уйимиз” деб Меҳрибонлик уйини назарда тутаётганди, албатта. Уч қаватли бинода жойлашган бу масканда айни пайтда 93 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Улар учун давлатимиз томонидан барча қулайлик муҳайё этилган. Чунончи, болалар саломатлиги доимий эътиборда. Шу мақсадда тиббий кўрик, муолажа, физиотерапия хоналари ташкил этилган. 100 ўринга мўлжалланган ошхона, тураржойдаги шарт-шароитлар ҳавас қилса арзигулик. Улар замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Муассасанинг уч минг китоб фондига эга кутубхонаси, компьютер хонаси бор. Тарбияланувчилар Меҳрибонлик уйи яқинида жойлашган 8-умумтаълим мактабида ўқишади. Ҳар иккала муассаса ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Болаларнинг ҳар бири ғамхўрликдан баҳраманд. Уларнинг бўш вақтлари эса мазмунли ўтмоқда. Буни Меҳрибонлик уйида спорт ва ҳунармандчилик йўналишида 13 та тўгарак ташкил этилгани билан ҳам изоҳлаш мумкин.

— “Баркамол авлод” маркази, “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими, 25-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, “Семурғ” спорт мажмуаси, 4-болалар мусиқа ва санъат мактаби билан ҳамкорлик шартномалари тузганмиз, — дейди Меҳрибонлик уйи директори ўринбосари Шоира Эгамова. — Шунга кўра, тўгарак машғулотларини тажрибали мутахассислар, спорт мураббийлари, моҳир ҳунармандлар олиб боришмоқда. Қолаверса, болаларимизнинг ҳар томонлама соғлом вояга етишларига кўмаги тегадиган бадиий мусиқий кечалар, спорт беллашувлари, турли учрашув ва мулоқотларни мунтазам ташкил этаяпмиз. Бу уларда ёрқин таассурот қолдирмоқда. Қисқаси, мамлакатимизда ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди.

Дарҳақиқат, тинч ва фаровон юртда болалар бахтли ҳаёт кечиради. Орзулари рўёбга чиқади. Ҳар бир куни мазмунли ўтади. Давлатимиз эътибори ва ғамхўрлиги остида вояга етаётган Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳаёти мисолида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилиш мумкин.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# «ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ – МАРРА БИЗНИКИ!»

**Пойтахтимизда ана шу шиор остида “Талабалар фестивали” бўлиб ўтмоқда.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда Фанлар академияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларидан 500 нафардан зиёд талаба-ёшлар қатнашмоқда.

— Фестивални интиқлик билан кутамиз, — дейди “Камолот” ЁИҲ Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф. Муҳаммаджонова. — Зеро, бундан кўзланган мақсад, аввало, ёшлар ўртасида ўзаро илмий-ижодий ҳамкорлик муҳити, дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашиш ва илмий фаолият олиб боришда бир-бирига кўмаклашиши учун шарт-шароитлар яратиб беришдир. Айни пайтда уларни фан-техника тараққиёти йўлида бирлаштириш илмий-ижодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ташкилий, илмий-услубий ёрдам кўрсатиш, яратган янгилигини амалиётга татбиқ этишда кўмаклашишдан иборат.



Бугун “Туркистон” саройида “Талабалар фестивали”нинг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтади.

Фестивалнинг биринчи куни мамлакатимизнинг Бош майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйиш маросими билан бошланди. Юртбошимиз ташаббуси ҳамда ғояси асосида бу ерда қад ростлаган ҳар бир иншоот ёшларда катта таассурот қолдирди.

Шу куни Ёшлар ижод саройида тадбирнинг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Унинг доирасида уюштирилган олий таълим муассасаларининг тақдимотида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 800 нафарга яқин битирувчилари қатнашди.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, фестиваль дастури ранг-баранг ва қизиқарлидир. Жумладан, унда “Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялаш масалалари” мавзуида илмий-амалий конференция, “Uz” доменини ривожлантиришда ёшларнинг ўрни” мавзуида давра суҳбати, ёшларнинг давлат ҳокимияти органлари вакиллари билан учрашуви, иқтидорли ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга қаратилган “Мунозара” турнирининг республика босқичи ва бошқа тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, иштирокчилар учун турли маданий тадбирлар, хусусан, Ўзбек Миллий академик драма театрида “Заминдан олис кетма” спектакли, “Шунқорлар” бадиий фильмининг намойиши ҳамда “Қувноқлар ва зукколар” кўрик-танлови, футбол-шоу концерт дастури ташкил этилди. Фестиваль давомида талаба-ёшларнинг Тошкент шаҳридаги диққатга сазовор жойларга саёҳати уюштирилмоқда.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## ҒАМХЎРЛИК

*Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги “2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.*

# Оила қувончи, жамият бойлиги

Жумладан, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди томонидан бемор болаларни чет элнинг нуфузли клиникаларида даволаниши ташкил этилаяпти.

Айни кунларда Германиянинг “Friedensdorf International” халқаро ташкилоти мутахассислари томонидан кам таъминланган оилаларда туғма касалликларга чалинган, шунингдек, куйишнинг асоратлари бўлган болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш бошланди. Бир ҳафта давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги кўп тармоқли болалар тиббий марказларида республикамиз ва хорижлик мутахассислар иштирокида ана шундай эзгу тадбирлар уюштирилади.

**Аббос ЭРГАШЕВ.**

Эълон

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**

**сизларни 2015 йил 7, 9, 14 ва 16 июль кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган такрорий савдоларга таклиф қилади.**

**Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қайта қўйилади:**

| Т/р | Объект номи | Сотилаётган объект | | Савдога қўйилаётган объект бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | асосий фаолият йўналиши | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «Kinder fruits» МЧЖ | Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй | Мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва концентратланган пюре ишлаб чиқариш | 16 450 897 500,0 | 7 269 733,26 |
| 2. | «Farg‘ona kimyo zavodi» МЧЖ | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Тарона кўчаси, 15-уй | Пахта целлюлозаси ва техник этил спирти ишлаб чиқариш | 59 142 493 600,0 | 28 997 104,14 |
| 3. | «Namangan qog‘ozi» МЧЖ | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 50-уй | Ёзув ва офсет қоғози ишлаб чиқариш | 3 970 500 000,0 | 1 802 969,76 |
| 4. | «Vodiy muzqaymog‘i» МЧЖ | Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 5-уй | Музқаймоқ ишлаб чиқариш | 1 064 409 000,0 | 521 871,45 |
| 5. | «Kosonsoy to‘qimachi» МЧЖ | Наманган вилояти, Косонсой шаҳри | Трикотаж ипи, жунли ва яримжунли матолар, адёллар ишлаб чиқариш | 24 500 000 000,0 | 11 125 238,40 |
| 6. | «Nam tex» МЧЖ | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 94-«Б» уй | Калава ип ишлаб чиқариш | 10 787 016 789,82 | 4 898 291,16 |
| 7. | «Namangan to‘qimachi» МЧЖ | Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 4-кичик туман, Тўқимачилар кўчаси | Калава ип ишлаб чиқариш | 62 941 505 000,0 | 28 228 561,11 |
| 8. | «Asia pipeplast» МЧЖ | Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Паркент кўчаси, 327-«Б» уй | Шиша толали қувурлар ишлаб чиқариш | 45 635 559 919,47 | 20 013 138,70 |
| 9. | «Registon plaza» МЧЖ | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Шоҳрух кўчаси, 53-уй | Меҳмонхона хизматларини кўрсатиш | 42 967 000 000,0 | 18 842 861,40 |
| 10. | «Toshkent qog‘ozi» МЧЖ | Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй | Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 29 198 000 000,0 | 12 804 567,86 |
| 11. | «Koson textile» МЧЖ | Наманган вилояти, Косонсой шаҳри, Мираҳмедов кўчаси, 28-уй | Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 1 663 864 000,0 | 729 675,30 |
| 12. | «Kurgan tex» МЧЖ | Андижон вилояти, Жалақудуқ тумани, Ойим қишлоғи, Мадаминов кўчаси, 46-уй | Калава ип ва мато ишлаб чиқариш | 40 439 253 000,0 | 17 734 336,57 |
| 13. | «Eastbrick» МЧЖ | Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, «Қизилтепа» ҚФЙ | Ғишт ишлаб чиқариш | 2 845 645 000,0 | 1 322 012,44 |
| 14. | «Marg‘ilon bo‘yoq tekstil» МЧЖ | Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 400-уй | Матони оқартириш ва бўяш | 7 752 752 000,0 | 3 399 912,29 |
| 15. | «Andijon charm» МЧЖ | Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Оқтепа қишлоғи | Қорамол, қўй ва эчки терисини қайта ишлаш ҳамда чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 6 003 004 740,0 | 2 943 226,49 |
| 16. | «Sogdiana pipeplast» МЧЖ | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй | Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш | 3 145 245 000,0 | 1 542 089,14 |
| 17. | «Gazalkent stone» МЧЖ | Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Завод кўчаси, 1-уй | Гранит ва мармар плиталар ишлаб чиқариш | 5 790 000 000,0 | 2 838 791,92 |
| 18. | «Xumo to‘qimachi» МЧЖ | Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Наврўз шоҳкўчаси, 2-уй | Калава ип ишлаб чиқариш | 10 454 271 000,0 | 4 747 194,17 |
| 19. | «Poyteks» МЧЖ | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Гўрўғли кўчаси, 4-уй | Классик ва спорт туридаги эркаклар пайпоғи, пахта ипидан тайёрланадиган боғлам материаллари ва тиббий бинтлар ишлаб чиқариш | 1 940 000 000,0 | 850 772,71 |

**Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари:**

Савдо ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни савдо ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати — 7 йилдан ошмаслиги лозим. Жумладан, талабгор билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш жараёнида сотилаётган улушнинг бўнак пули миқдорини 15 фоиздан кўпроқ белгилаш ҳамда тўловларни бўлиб-бўлиб тўлашнинг якуний муддати 7 йилдан камроқ муддатга сотилиши бўйича музокаралар олиб борилиши мумкин.

Савдо объекти хўжалик жамияти фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарти билан сотилади.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бирйўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминоти билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, савдо ташкилотчисининг савдони ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, савдода иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;
- икки нусхада ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:
- сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлар тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотилаётган «Marg‘ilon bo‘yoq tekstil» МЧЖ, «Eastbrick» МЧЖ, «Andijon charm» МЧЖ, «Sogdiana pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent stone» МЧЖ, «Poyteks» МЧЖдаги улушлар бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида ва «Xumo to‘qimachi» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг 3 фоизи миқдорида ҳамда қолган барча улушлар бошланғич баҳоларининг 1 (бир) фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни ҳамда буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

**Савдоларга тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).**

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

**Сотувчи (банк):** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй. Телефонлар: (0-371) 234-11-22, 234-15-60. Тел./факс: (0-371) 234-43-31.

**Савдо ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (0-371) 233-02-49. Тел./факс: (0-371) 233-23-40. Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

*Гувоҳнома № 005357.*

899R/30

WWW.XS.UZ Чортоқ туманида янги шифо маскани иш бошлади. У Чортоқсой соҳилидаги икки қаватли бинода бўлиб, қирқ ўринга мўлжалланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 118 971 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.00 1 2 3 4 5